

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларида ўрнатилган тамгаларнинг бўлиги бўзилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақли бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчаник ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақли бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бўздирилган газ кўрулариди ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақли бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларида ноқонуний тарзда ташки тарсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки тарсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар арашшув кўчини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ давво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив жўраларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТЎХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмига тўридаги маълумотлар ТЎХНАТ тизимида қайди этилган маълумотлардан олинанди);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вақли томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатилиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асосланттирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) -бир хисоб-китоб даврита;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метрэй-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бўзилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлималарида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилган учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса –экспертга ўтказилиши талаб қилинган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш Трафитини тузиши ва ишламайилган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргалликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақли бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин давво муддатидан кўп бўлмаган даврга амалга оширилади. (0% DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари тарметга ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланшидан қамда 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланшидан қамда 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохлишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўрида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар хисоб-китоб даври бошланшидан қамда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига табиий газ етказиб берилша тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун яқуний хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва иқтисодий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун яқуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва иқтисодий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш оини тўлгандан кейин 30 кун мобайнида олдинтан газ учун яқуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишида Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб берилша шартномада кўрсатилгандан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўлган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишида хисобга олинади.